

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx. 159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАМАТХАНОВ АЗИЗХОН АХРАМХОНОВИЧ

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ШОЛИНИ ТАКРОРИЙ ЭКИН
СИФАТИДА ЭКИШ УСУЛЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИНИ
ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Маматханов Азизхон Ахрамхонович

Наманган вилояти шароитида шолини такрорий экин сифатида, экин усуллари ва муддатларини ҳосилдорликка таъсири..... 3

Мамаханов Азизхан Ахрамханович

Рис как повторная культура в условиях Наманганской области, влияние способов и сроков посадки на урожайность..... 21

Mamakhanov Azizkhan Akhramkhanovich

Rice as a repeated crop in the conditions of Namangan region, the effect of planting methods and periods on productivity..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx. 159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАМАТХАНОВ АЗИЗХОН АХРАМХОНОВИЧ

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ШОЛИНИ ТАКРОРИЙ ЭКИН
СИФАТИДА, ЭКИШ УСУЛЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИНИ
ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2024

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Qx971 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашев Мухаммаджон Араббоевич,
қишлоқ хўжалиғи фанлари номзоди, к.и.х.

Расмий оппонентлар:

Худайқулов Жонибек Бозарович,
қишлоқ хўжалиғи фанлари доктори, профессор

Уразметов Кахрамон Каримбаевич,
Қишлоқ хўжалиғи фанлари фалсафа доктори, доцент.

Етакчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалиғи ва агротехнологиялар институти.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти хузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « 13 » 06, соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeiti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 17 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05;

Диссертация автореферати 2024 йил «28» 05 кун тарқатилди.

(2024 йил «30» 03 даги 4/1 рақамли реестр баённомаси).



Р.И.Сиддиқов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

И.И.Абдуллаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қотиби, к.х.ф.ф.д., доцент

С.О.Абдурахмонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда “дунёнинг 119 давлатида йилига 160,1 млн. гектар майдонда шоли парвариш қилиниб, умумий ҳисобда 742,5 млн. тоннадан ортиқ дон ҳосили етиштирилмоқда”¹. Дунё аҳоли сонининг ортиб бориши гуручга бўлган эҳтиёжнинг ҳам ўсиб боришига олиб келаётган бир даврда шоли майдонларининг 2019 йилга нисбатан 5,4% гача қисқариб кетиши дунё бозорида гуруч нарҳини 46 фоизгача ошиб кетишига олиб келди. Шоли майдонларининг қисқариши асосан сув танқислиги билан боғлиқ бўлиб, шолчиликда сувдан самарали фойдаланишда шолини кўчат усулида ҳамда эгатларга сепма усулида экиб етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунёнинг шолчилик соҳаси ривожланган Хитой, Корея, Хиндистон ва бошқа мамлакатларда шолини 30-40 кунлик кўчатларини экиш усулида ҳамда такрорий экин сифатида бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга уруғларни эгатга сепма усулида экиб етиштириш технологияси жорий қилиниши натижасида кўчат усулида етиштирилганида гектаридан 5500-7000 м³ гача, эгатларга сепма усулида экилиб етиштирилганида эса 6500-8000 м³ гача сувни иқтисод қилиш имконияти яратилмоқда. Чунки, бугунги кунда шоли етиштиришда сув тежовчи ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш шароитига жорий этиш катта аҳамиятга моликдир.

Бугунги кунда Республикаимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига сув тежовчи технологияларнинг кенг қўламли жорий этилиши ҳисобига кўрик ерлар ўзлаштирилмоқда ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш салмоғи кундан кунга ортиб бормоқда. Биргина шоли мисолида оладиган бўлсак, 2018 йилда шоли экилган майдонлар 72,4 минг гектарни, яъни дон ҳосили 243,3 тоннани ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб, шоли етиштирилаётган майдонлар 140,6 минг гектарни, яъни дон ҳосили эса 675,4 минг тоннани ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-октябрдаги “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 сонли Фармонида «...2030 йилга қадар бир гектар майдонни суғориш учун сарфланадиган сув сарфини 20 фоизга камайтириш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган бўлиб, ушбу вазифаларни Наманган вилояти шароитида ижросини таъминлашда шолини кўчатидан ҳамда такрорий экин сифатида эгатга сепма усулида экиб етиштириш орқали сув тежовчи агротехнологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2-февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4973-сон, 2019 йил 25-октябрдаги “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи

¹ <https://www.atlasbig.com/ru/>

² <https://lex.uz/docs/4567334>

технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4499 сонли қарорлари ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 19-февралдаги “Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисида”ги 98-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устивор йўналишига доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шолини кўчатидан ва уруғидан етиштириш усулларини дон ҳосилдорлигига ва доннинг сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича хорижий олимлардан R.Bhatt, P.Baldev Raj Kamboj, Dharam Bir Yadav, B.A.Bouman, S. S. Kukal, V.A.Dzyuba, R.Barker, D.Dawe, U.S.Singh, P. Gautam, L.Jat, V.K.Singh, H.K.Rai, R.S.Chhokar, S.K.Sharma, Исса Уонни, B.U.Choudhury, K.Jana, B.A.Zayed, A.K.M.Salem, H.Boulala, I.U.Awan, Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида З.Н.Джуманов, Р.Ш.Тиллаев, А.А.Абдуллаев, А.П.Эгамназаров, Б.Ю.Саимназаров, Т.Э.Исхаков, М.А.Эргашев, Қ.Ўразметов, Ч.Қашқарбоева, Б.Г.Қодиров, Х.Р.Жўраева, ва шу каби кўплаб олимлар томонидан бир қатор тадқиқотлар ўтказилган.

Бирок, Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида шолининг “Искандар” ва “Садаф” навларини экиш усуллари ва муддатларини суғориш меъёрларига ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот муассасанинг илмий - тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация “AFACI” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда **“Project Title: High yielding stress-tolerant rice varieties suitable for AFACI member countries”** (Лойиха номи: AFACI га аъзо мамлакатлар учун мос бўлган юқори маҳсулдор стрессга чидамли гуруч навлари) мавзусида ҳамкорлик лойихаси доирасида амалга оширилди (2021-2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида шолининг “Искандар” ва “Садаф” навларини такрорий экин сифатида экиш усуллари ҳамда муддатларини дон ҳосилдорлигига, технологик сифат кўрсаткичларига ҳамда суғоришга сарфланаётган сув меъёрларининг камайишига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

такрорий экин сифатида экиш муддатлари ва усулларини кўчатларнинг униб чиқиши ва қалинлигига таъсирини аниқлаш;

экиш муддатлари ва усулларини ўсув даврининг давомийлигига

таъсири аниқлаш;

суғоришга сарфланган сув меъёрларига экиш муддатлари ва усулларининг таъсирини аниқлаш;

экиш муддатлари ва усулларини шоли навларининг поя баландлигига таъсирини аниқлаш;

шоли навларида барг сатҳининг шаклланишига экиш муддатлари ва усулларининг таъсирини аниқлаш;

шоли навларида биологик қуруқ масса тўплашига экиш муддатлари ва усулларининг таъсирини аниқлаш;

шоли навларида ҳосил элементларининг шаклланишига экиш муддатлари ва усулларининг таъсирини аниқлаш;

шоли навларининг дон ҳосилдорлиги ва донининг технологик сифат кўрсаткичларига экиш муддатлари ва усулларининг таъсирини аниқлаш;

шоли етиштиришда қўлланилган агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб оч тусли бўз тупроқ, шолининг “Искандар” ва “Садаф” навлари, 10-июн, 15-июн, 20-июн, муддатлари ва оддий, кўчат, эгатга экиш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, экиш муддатлари ва усулларини шоли навларини кўчат қалинлигига, ўсув даврининг давомийлигига, ўсиб ривожланишига, барг сатҳини шаклланиши ва биологик қуруқ масса тўплашига, ҳосил элементларининг шаклланиши ва дон ҳосилдорлигига ҳамда технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Илмий-тадқиқотларда дала тажрибаларини жойлаштириш, барча ҳисоб-китоб ва кузатувлар “Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ таркибидаги озика моддалар микдорини аниқлаш “Методый агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых раёнах” (СоюзНИХИ, 1977), барг сатҳини ҳисоблаш Vishnu M. Bhan and H.K.Pande (IRRI) услубида, ҳосилни етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар, олинган соф фойда ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар шоли етиштириш ва сотиш бўйича 2020-2023 йилларнинг ўртача баҳоси билан В.Н.Положий услубида, тажрибалардан олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов (Методика полевого опыта) услубий қўлланмалари бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Илк бор Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитларида шолининг “Искандар” ва “Садаф” навларини такрорий экин сифатида бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга уруғларни эгатга сепиш усулида экиб етиштириш мавсумий сув сарфи уруғларни оддий усулда экиб етиштириш усулига нисбатан 34,3-35,5 фоизгача, кўчат усулида экиб етиштириш усулига нисбатан 17,8-23,2 фоизгача иқтисод қилиб қолиниши аниқланган;

Шоли навлари уруғларини 10-июн муддатида эгатга сепма усулида экиб етиштириш орқали оддий усулда экиб етиштиришга нисбатан мавсумда 7915 м³/га, кўчат усулида экиб етиштиришга нисбатан 3125 м³/га, уруғларни 15-июн муддатида эгатга сепма усулида экиб етиштириш орқали оддий усулда экиб етиштиришга нисбатан 6952 м³/га, кўчат усулида экиб етиштиришга нисбатан 3372 м³/га, уруғларни 20-июн муддатида эгатга сепма усулида экиб етиштириш орқали оддий усулда экиб етиштиришга нисбатан 6910 м³/га, кўчат усулида экиб етиштиришга нисбатан 3780 м³/га сув тежаб қолинганлиги исботланган;

Шоличиликда сув ресурсини тежовчи технология сифатида бошокли дон экинларидан бўшаган майдонларга уруғларни эгатга сепма усулида экиб етиштириш технологиясининг самарадорлиги илмий ва амалий жихатдан асосланган;

Шоли уруғларини эгатга экиш усулида етиштириш оддий усулда экиб етиштиришга нисбатан иқтисодий рентабеллик даражаси “Искандар” навида 29,9-43,5 фоизга, “Садаф” навида 41,0-47,6 фоизгача, кўчат усулида экиб етиштирилганга нисбатан эса “Искандар” навида 39,2-49,7 фоизга, “Садаф” навида 40,7-48,9 фоизгача юқори бўлишини аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Шоли навлари кўчат қалинликларига экиш усуллари ва муддатларининг таъсири сизиларли бўлганлиги кузатилиб, юқори кўчат қалинлиги уруғларни эгатларга экиш усулида экилган вариантларда аниқланиб, уруғларни оддий усулда экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 23,4-18,1-18,4 дона/м² гача, “Садаф” навида 16,1-11,8-15,8 дона/м² гача, кўчат усулда экилган вариантларга нисбатан эса “Искандар” навида 84,8-68,7-60,6 дона/м² гача, “Садаф” навида 83,5-74,7-62,3 дона/м² гача юқори бўлганлиги қайд этилган.

Шоли навларини мавсумий суғоришга бўлган талаби ўрганилганида, кам сув сарфи уруғларни эгатга экиш усулида экилган вариантларда кузатилиб, “Искандар” навида уруғлар оддий усулда 10-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 7915 м³/га, 15-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 6952 м³/га, 20-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 6910 м³/га, кўчат усулда 10-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 3125 м³/га, 15-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 3372 м³/га, 20-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 3780 м³/га сув тежаб қолинганлиги аниқланган бўлса, “Садаф” навида уруғлар оддий усулда 10-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 7390 м³/га, 15-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 7905 м³/га, 20-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 7806 м³/га, кўчат усулда 10-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 2250 м³/га, 15-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 3195 м³/га, 20-июн муддатида экилган вариантга нисбатан 3326 м³/га сув кам сарфланганлиги аниқланган.

Шоли навларида амал даври охирига бориб, юқори биометрик кўрсаткичлар кўчат усулида етиштирилган вариантларда кузатилиб, оддий усулда экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида поя баландлиги

2,9-5,0 см, умумий поялар сони 34,3-65,3 дона/м², маҳсулдор поялар сони 38,1-64,9 дона/м² гача, уруғлар эгатлаб экилган вариантларга нисбатан поя баландлиги 5,0-5,9 см, умумий поялар сони 12,5-53,0 дона/м², маҳсулдор поялар сони 24,1-59,8 дона/м² гача юқори натижа кўрсатган бўлса, “Садаф” навида поя баландлиги 2,7-4,0 см, умумий поялар сони 29,7-58,4 дона/м², маҳсулдор поялар сони 33,3-60,5 дона/м² гача, уруғлар эгатлаб экилган вариантларга нисбатан поя баландлиги 4,8-6,6 см, умумий поялар сони 10,6-51,6 дона/м², маҳсулдор поялар сони 20,1-57,6 дона/м² гача юқори натижалар олинганлиги қайд этилган.

Шоли навларини кўчат усулида экиб етиштирилганида оддий усулда экиб етиштирилганга нисбатан “Искандар” навида ўртача рўвак узунлиги 1,1-2,4 см, бир рўвакдаги донлар сони 11,1-20,7 донага, 1000 дона дон оғирлиги 0,8-1,9 г., дон ҳосилдорлиги 6,1-8,8 ц/га, “Садаф” навида ўртача рўвак узунлиги 1,7-3,0 см, бир рўвакдаги донлар сони 12,0-22,1 донага, 1000 дона дон оғирлиги 1,1-2,3 г., дон ҳосилдорлиги 5,9-8,6 ц/га юқори натижа олинган бўлса, эгат усулда экиб етиштирилганга нисбатан эса “Искандар” навида ўртача рўвак узунлиги 1,7-3,6 см, бир рўвакдаги донлар сони 18,6-27,4 донага, 1000 дона дон оғирлиги 1,3-2,3 г., дон ҳосилдорлиги 3,2-4,7 ц/га, “Садаф” навида ўртача рўвак узунлиги 2,3-4,4 см, бир рўвакдаги донлар сони 19,3-28,4 донага, 1000 дона дон оғирлиги 1,7-2,8 г., дон ҳосилдорлиги 2,6-4,1 ц/га юқори натижа кўрсатганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир бирига мос келиши, тадқиқотлар натижаларини хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, аниқланган қонуниятлар ва ҳулосаларнинг асосланганлиги, олинган натижалар юқори малакали мутахассислар томонидан баҳоланиб ижобий ҳулосалар берилганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва Халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, натижалар бўйича тавсия қилинган ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги ишининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида шоли навларини мақбул экиш муддати ва усулларини уруғларининг дала унувчанлигига, кўчат қалинлигига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, барг сатҳининг ўзгариши ва қуруқ модда тўпланишига, ҳосил структураси, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири ижобий бўлганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, шоли навлари уруғларини такрорий экин сифатида 10-июн муддатида эгатларга сепма усулида экиш, шу муддатда оддий усулда экиб етиштирилган майдонларга нисбатан мавсумий сув сарфини 7390-7915 м³/га гача, кўчат усулида экишга нисбатан эса 2250-3125 м³/га гача тежаб қолиш имконини бериши ҳисобига рентабеллик

даражаси оддий усулда етиштирилган майдонларга нисбатан 41,4-42,7 фоизга, кўчат усулида етиштирилган майдонларга нисбатан эса 48,9-49,8 фоизгача юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наманган вилояти шароитида шоли навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш муддатлари ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва кластерлар учун “Наманган вилояти шароитида шолени такрорий экин сифатида етиштириш агротехнологияси” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 22-сентябрдаги 04/21-21-05/4834-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бугунги кунда шоли навларини етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда.

Шолининг “Искандар” ҳамда “Садаф” навлари Уйчи тумани “Орол ниhoли” фермер хўжалигининг 12 гектар, “Сайидазим Зоирбек” фермер хўжалигининг 4 гектар, “Уйчи элита” уруғчилик хўжалигининг 10 гектар, “Лазокатбу Гулистон” фермер хўжалигининг 30 гектар, “Ғайрат дурдонаси” фермер хўжалигининг 21 гектар, 2022-йилда “Матлуба фарзандлари Шокирбек ва Собирбек” фермер хўжалигининг 12 гектар, ва “Ровот файз барака” фермер хўжалигининг 15 гектар, Тўрақўрғон тумани “Шаханд Аъзамий” фермер хўжалигининг 25 гектар, “Сирдарё Сокин Сохили” фермер хўжалигининг 12 гектар, “Қобилжон Каримжонов” фермер хўжалигининг 5 гектар, “Бордимқўл шуҳрати” фермер хўжалигининг 1,5 гектар, “Ғопиржон Ботиржон” фермер хўжалигининг 3 гектар, “Олтин Водий ифтихори” фермер хўжалигининг 2,7 гектар, жами 153,2 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 22-сентябрдаги 04/21-21-05/4834-сон маълумотномаси). Натижада уруғларни 10-июн муддатида эгатларга сепма усулида экиб етиштирилганида юқори самарадорликка эришилган.

Шолининг “Искандар” ҳамда “Садаф” навлари уруғларини 10-июн муддатида эгатларга сочма усулида экиб етиштириш технологияси Уйчи ва Тўрақўрғон туманида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 22-сентябрдаги 04/21-21-05/4834-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали ҳар гектаридан “Искандар” навидан 63-66 центнердан, “Садаф” навидан 64-67 центнердан дон ҳосили олиниб, анъанавий усулда экиб етиштирилган майдонларга нисбатан мавсумда 5-6 минг м³/га гача сув тежаб қолиш билан бирга гектаридан 7-8 центнердан кўшимча дон ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳамда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан тузилган апробация комиссиялари томонидан “яхши” баҳолар билан баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар асосида 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлари учун чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та жумладан, маҳаллий нашрларда 3 та, хорижий нашрларда 1 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шолини такрорий экин сифатида экиш усуллари ва муддатларини ҳосилдорликка таъсири бўйича олиб борилган хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида, шоли экинининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи биотик ва абиотик омилларнинг таъсири, биологияси ва морфологияси, хорижда ҳамда республикамизда шолчиликни ривожланиш тарихи, босқичлари, тадбиқ қилиниши, экиш усуллари ва муддатларини ўсиши ва ривожланишига ва дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий натижалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб борилган минтақанинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароити, тажриба ўтказиш усули ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган минтақанинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ шароити, ҳудуднинг иқлим шароити, тажриба ўтказиш усули ва услубияти, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар ва тажрибада ўрганилган навлар таснифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Дала тажрибаларини бошлашдан олдин ҳар йили танлаб олинган даланинг шудгор ва шудгор ости қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, дастлабки агрохимёвий хусусиятлари аниқлаб борилган.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, тупроқда чиринди миқдори

ҳайдов қатламда (0-30 см) 2021 йилда 1,176%, 2022 йилда 1,202% 2023 йилда 1,181%, 30-50 см чуқурда 2021 йилда 1,062%, 2022 йилда 1,079%, 2023 йилда 1,074% тенг бўлганлиги аниқланган. Тупроқдаги гумус миқдори тупроқнинг пастки қатламларига томон сезиларли даражада камайиб борганлиги кузатилган.

Тадқиқотлар ўтказилган 2021 йилдаги тупроқ таркиби таҳлил қилинганда 0-30 см ли қатламда ўртача 0,089% азот, 0,155% фосфор, 1,810% калий билан таъминлаганлиги кузатилди. Ҳаракатчан нитратли бирикмалар ўртача 13,4 мг/кг, фосфорли бирикмалар 13,5 мг/кг, калийли бирикмалар 277 мг/кг ни ташкил этади. 30-50 см ли қатламда эса 0,067% азот, 0,136% фосфор, 1,601% калий мавжуд. Ҳаракатчан нитратли бирикмалар 10,6 мг/кг, фосфорли бирикмалар 16,4 мг/кг, калийли бирикмалар 255 мг/кг ни ташкил этганлиги қайд этилди. Тадқиқот ўтказилган 2022 йилдаги тупроқ таркиби таҳлил қилинганда 0-30 см ли қатламда ўртача 0,094 % азот, 0,162 % фосфор, 1,861 % калий билан таъминлаганлиги кузатилди. Ҳаракатчан нитратли бирикмалар ўртача 13,8 мг/кг, фосфорли бирикмалар 13,7 мг/кг, калийли бирикмалар 280 мг/кг ни ташкил этади. 30-50 см ли қатламда эса 0,072% азот, 0,141% фосфор, 1,620% калий мавжуд. Ҳаракатчан нитратли бирикмалар 10,9 мг/кг, фосфорли бирикмалар 16,9 мг/кг, калийли бирикмалар 258 мг/кг ни ташкил этганлиги қайд этилган.

1-жадвал

Тажриба даласи тупроғининг дастлабки агрохимёвий хусусиятлари

Йиллар	Тупроқ қатлам см	Гумус %	Умумий шаклда%			Ҳаракатчан шаклда, мг/кг		
			Азот	Фосфор	Калий	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
2021	0-30	1,176	0,089	0,155	1,810	13,4	13,5	277
	30-50	1,062	0,067	0,136	1,601	10,6	16,4	255
2022	0-30	1,202	0,094	0,162	1,861	13,8	13,7	280
	30-50	1,079	0,072	0,141	1,620	10,9	16,9	258
2023	0-30	1,181	0,091	0,157	1,832	13,5	13,9	279
	30-50	1,074	0,067	0,139	1,613	10,8	16,5	257

Тадқиқотни охириги 2023 йилдаги тупроқ таркиби таҳлил қилинганда 0-30 см ли қатламда ўртача 0,091 % азот, 0,157% фосфор, 1,832% калий билан таъминлаганлиги кузатилди. Ҳаракатчан нитратли бирикмалар ўртача 13,5 мг/кг, фосфорли бирикмалар 13,9 мг/кг, калийли бирикмалар 279 мг/кг ни ташкил этади. 30-50 см ли қатламда эса 0,067% азот, 0,139% фосфор, 1,613% калий мавжуд. Ҳаракатчан нитратли бирикмалар 10,8 мг/кг, фосфорли бирикмалар 16,5 мг/кг, калийли бирикмалар 257 мг/кг ни ташкил этганлиги қайд этилган.

Тажриба жойлаштирилиб, тадқиқотлар ўтказилган далалар тупроқларининг дастлабки агрохимёвий таҳлилларига асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, ушбу далалар тупроқлари фосфор билан жуда кам, калий билан кам даражада таъминланган дейиш мумкин.

Илмий–тадқиқот ишлари 2021–2023 йилларда Наманган вилояти Уйчи туманида шоли уруғчилиги билан шуғуланувчи Уйчи элита МЧЖ хўжалигининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилиб, бунда шолининг “Искандар” ҳамда “Садаф” навларини ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига экиш усуллари ва муддатларининг таъсири уч йил давомида ўрганилди.

Тажриба 18 та вариантдан иборат бўлиб, 4 такрорланишда тўрт ярусда жойлаштирилди. Битта вариантнинг узунлиги 21 м, эни 3,6 м, умумий майдони 75,6 м², ҳисобга олинмаган майдон 50,4 м² ни ташкил этади. Тажриба даласининг умумий майдони 0,55 га. Тажрибада шолининг Давлат ресстрига киритилган ўртапишар “Искандар” ва “Садаф” навлари ўрганилди.

Тажрибада шолининг “Искандар” ва “Садаф” навлари уч хил (оддий, кўчат, эгатлаб) экиш усуларида учта (10-июн, 15-июн, 20-июн,) муддатларда экиб ўрганилди.

Шоли навларини озиклантиришда, азотли ўғитлардан аммиакли селитра (N–34%), фосфорли ўғитлардан суперфосфат (P₂O₅–20%), калийли ўғитлардан калий хлорид (K₂O–56%) ишлатилди. Тажрибада фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100% миқдори баҳорда, шудгор остига солинди. Азотли ўғитлар иккига бўлиб, 1-озиклантириш туплаш фазаси бошида, 2-озиклантириш эса туплаш фазасининг якунида берилди.

Тажриба майдонидаги агротехник тадбирлар Шолчилик илмий тадқиқот институтининг “Ўзбекистон шоли етиштириш бўйича” Услубий кўрсатма (2010) асосида олиб борилган.

Тадқиқотларда дала тажрибаларининг барча қайтариқ ва вариантларидаги биометрик кўрсаткичларни аниқлаш учун фенологик кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқнинг аграммофизик ва аграммохимик таҳлиллари “Методы аграммохимических исследований почв и растений Средней Азии” услубида, шоли ўсимлиги барг сатҳини ҳисоблаш Vis’nhu M.Bhan and H.K.Pande (IRRI) услубида, фойдали ҳарорат йиғиндисини ҳисоблаш Qunying Luo, Michael Bange ва Loretta Clancy услубида аниқланган.


Диссертациянинг **“Экиш усуллари ва муддатларини шоли навларининг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган учинчи бобида экиш муддатлари ва усуллари шоли навлари кўчатларининг униб чиқиши ва кўчат қалинлигига, ўсув даврларининг давомийлигига, ўсиб ривожланишига, мавсумий сув сарфига, барг сатҳининг шаклланишига, биологик қуруқ масса тўплашига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, ҳосил элементлари шаклланишига, дон ҳосилдорлигига таъсири таҳлил қилинган.

Шоли навларида кўчат қалинлиги уруғ экиш муддатлари кесимида ўрганилганида, юқори натижалар уруғларни эгатга сепма усулида экилган вариантларда кузатилиб, уруғларни оддий усулда 10-июн муддатида экилган вариантга нисбатан “Искандар” навида 23,4 дона/м², “Садаф” навида 16,1 дона/м², 15-июн муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар”

навида 18,1 дона/м², “Садаф” навида 11,8 дона/м², 20-июн муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 18,4 дона/м², “Садаф” навида 15,8 дона/м², кўчат усулда 10-июн муддатида экилган вариантга нисбатан “Искандар” навида 84,8 дона/м², “Садаф” навида 83,5 дона/м², 15-июн муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 68,7 дона/м², “Садаф” навида 74,7 дона/м², 20-июн муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 60,6 дона/м², “Садаф” навида 62,3 дона/м² гача юқори бўлганлиги аниқланган.

“Садаф” навида 2250 м³/га, 15-июн муддатида экилган вариантга нисбатан “Искандар” навида 3372 м³/га, “Садаф” навида 3195 м³/га, 20-июн муддатида экилган вариантга нисбатан “Искандар” навида 3780 м³/га, “Садаф” навида 3326 м³/га гача сув тежаб қолинганлиги аниқланган.

Шоли навларини ўсиб ривожланиши уруғ экиш усуллари ва муддатлари кесимида аниқлаб чиқилганида, пишиш фазасида юқори поя баландлиги барча экиш муддатларида кўчат усулида экилган вариантларда қайд этилиб, уруғлар оддий усулда 10-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 5,0 см, “Садаф” навида 4,0 см, 15-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 3,9 см, “Садаф” навида 3,3 см, 20-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 2,9 см, “Садаф” навида 2,7 см гача, уруғлар эгатга сепма усулда 10-июн муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 5,9 см, “Садаф” навида 6,6 см, 15-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 5,7 см, “Садаф” навида 6,3 см, 20-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 5,0 см, “Садаф” навида 4,8 см гача юқори бўлганлиги кузатилган.



1-расм. Экиш муддатлари ва усуллари шоли навларининг биометрик кўрсаткичларига таъсири

Шоли навларида барг сатҳининг шаклланиши ўрганилганида ҳам юқори натижалар кўчат усулида экиб етиштирилган вариантларда кузатилиб, рўваклаш фазасига бориб уруғлар оддий усулда 10-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 1,71 минг м²/га, “Садаф” навида 1,46 минг м²/га, 15-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 3,42 минг м²/га, “Садаф” навида 1,87 минг м²/га, 20-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 2,60 минг м²/га, “Садаф” навида 2,34 минг м²/га гача, уруғлар эгатга сепма усулда 10-июн муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 1,16 минг м²/га, “Садаф” навида 1,0 минг м²/га, 15-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 0,96 минг м²/га, “Садаф” навида 2,0 минг м²/га, 20-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 0,90 минг м²/га, “Садаф” навида 1,95 минг м²/га гача юқори натижа кўрсатганлиги аниқланган.

Шоли навларининг умумий ва маҳсулдор поялар шакллантиришига экиш усуллари ва муддатларининг таъсири вариантлар кесимида таҳлил қилиб чиқилганида, юқори натижалар кўчат усулида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар оддий усулда 10-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида умумий поялар сони 34,3 дона/м², маҳсулдор поялар сони 38,1 дона/м², “Садаф” навида умумий поялар сони 29,7 дона/м², маҳсулдор поялар сони 33,3 дона/м², 15-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида умумий поялар сони 49,6 дона/м², маҳсулдор поялар сони 51,8 дона/м², “Садаф” навида умумий поялар сони 46,9 дона/м², маҳсулдор поялар сони 49,9 дона/м², 20-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида умумий поялар сони 65,3 дона/м², маҳсулдор поялар сони 64,9 дона/м², “Садаф” навида умумий поялар сони 58,4 дона/м², маҳсулдор поялар сони 60,5 дона/м², уруғлар эгатга сепма усулда 10-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида умумий поялар сони 12,5 дона/м², маҳсулдор поялар сони 24,1 дона/м², “Садаф” навида умумий поялар сони 10,6 дона/м², маҳсулдор поялар сони 20,1 дона/м², 15-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида умумий поялар сони 36,9 дона/м², маҳсулдор поялар сони 43,0 дона/м², “Садаф” навида умумий поялар сони 35,8 дона/м², маҳсулдор поялар сони 41,1 дона/м², 20-июн экиш муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида умумий поялар сони 53,0 дона/м², маҳсулдор поялар сони 59,8 дона/м², “Садаф” навида умумий поялар сони 51,6 дона/м², маҳсулдор поялар сони 57,6 дона/м² гача юқори бўлганлиги қайд этилган.

Шоли навларида ҳосил элементларининг шаклланиши вариантлар кесимида ўрганиб чиқилганида юқори натижалар барча экиш муддатларида кўчат усулида экилган вариантларда аниқланиб, уруғлар оддий усулда 10-июн муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида бир дона рўвак узунлиги 2,4 см, бир рўвакдаги донлар сони 20,7 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 1,0 г., 1000 дона дон оғирлиги 1,9 г. гача, “Садаф” навида бир

дона рўвак узунлиги 3,0 см, бир рўвакдаги донлар сони 22,1 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 0,9 г., 1000 дона дон оғирлиги 1,3 г. гача, 15-июн муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида бир дона рўвак узунлиги 1,6 см, бир рўвакдаги донлар сони 15,6 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 0,7 г., 1000 дона дон оғирлиги 1,3 г. гача, “Садаф” навида бир дона рўвак узунлиги 2,2 см, бир рўвакдаги донлар сони 16,5 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 0,8 г., 1000 дона дон оғирлиги 1,6 г. гача, 20-июн муддатида экилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида бир дона рўвак узунлиги 1,1 см, бир рўвакдаги донлар сони 11,1 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 0,4 г., 1000 дона дон оғирлиги 0,8 г. гача, “Садаф” навида бир дона рўвак узунлиги 1,7 см, бир рўвакдаги донлар сони 12,0 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 0,5 г., 1000 дона дон оғирлиги 1,1 г. гача юқори натижа олинганлиги аниқланган.

2-жадвал

Экиш усуллари ва муддатларини шолининг ҳосил элементларига таъсири

№	Шоли навлари	Экиш усуллари	Экиш муддатлари	Бир дона рўвакнинг узунлиги, см.	Бир донна рўвакдаги донлар сони	Бир рўвакдаги донлар вазни	1000 дона дон вазни, грамм
1	Искандар	Оддий	10-июн	22,2	144,0	4,56	31,7
2			15-июн	20,8	136,5	4,08	29,9
3			20-июн	19,2	134,1	3,97	29,6
4		Кўчат	10-июн	24,6	164,7	5,53	33,6
5			15-июн	22,4	152,1	4,75	31,2
6			20-июн	20,3	145,2	4,41	30,4
7		Эгатлаб	10-июн	21,0	137,3	4,30	31,3
8			15-июн	20,0	129,9	3,83	29,5
9			20-июн	18,6	126,6	3,68	29,1
10	Садаф	Оддий	10-июн	22,4	146,7	4,71	32,1
11			15-июн	21,3	139,9	4,34	31,0
12			20-июн	20,2	137,9	4,11	29,8
13		Кўчат	10-июн	25,4	168,8	5,64	33,4
14			15-июн	23,5	156,4	5,10	32,6
15			20-июн	21,9	149,9	4,63	30,9
16		Эгатлаб	10-июн	21,0	140,4	4,44	31,6
17			15-июн	20,5	133,4	4,06	30,4
18			20-июн	19,6	130,6	3,81	29,2

Уруғларни эгатга сепма усулида экилган вариантлар ўрганилганида ҳам юқоридаги қонуниятларга мос ҳолда кўчат усулида экилган вариантларга нисбатан 10-июн муддатида экилган вариантдан “Искандар” навида бир дона рўвак узунлиги 3,6 см, бир рўвакдаги донлар сони 27,4 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 1,2 г., 1000 дона дон оғирлиги 2,3 г. гача, “Садаф” навида бир дона рўвак узунлиги 4,4 см, бир рўвакдаги донлар сони 28,4 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 1,2 г., 1000 дона дон оғирлиги 1,8 г. гача, 15-июн

муддатида экилган вариантдан “Искандар” навида бир дона рўвак узунлиги 2,4 см, бир рўвакдаги донлар сони 22,2 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 0,9 г., 1000 дона дон оғирлиги 1,7 г. гача, “Садаф” навида бир дона рўвак узунлиги 3,0 см, бир рўвакдаги донлар сони 23,0 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 1,0 г., 1000 дона дон оғирлиги 2,2 г. гача, 20-июн муддатида экилган вариантдан “Искандар” навида бир дона рўвак узунлиги 1,7 см, бир рўвакдаги донлар сони 18,6 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 0,7 г., 1000 дона дон оғирлиги 1,3 г. гача, “Садаф” навида бир дона рўвак узунлиги 2,3 см, бир рўвакдаги донлар сони 19,3 донага, бир рўвакдаги донлар вазни 0,8 г., 1000 дона дон оғирлиги 1,7 г. гача паст натижа кўрсатгани қайд этилган.

3-жадвал

Экиш усуллари ва муддатларини шолининг ҳосилдорлигига таъсири ц/га

№	Экиш усуллари	Экиш муддатлари	Йиллар кесимида			Ўртача ҳосилдорлик, ц/га
			2021 йил	2022 йил	2023 йил	
1	Оддий	10-июн	67,8	64,7	62,2	64,9
2		15-июн	60,5	58,5	56,2	58,4
3		20-июн	58,4	56,7	53,8	56,3
4	Кўчат	10-июн	72,9	71,2	72,1	72,1
5		15-июн	65,1	67,1	69,4	67,2
6		20-июн	59,9	62,2	65,1	62,4
7	Эгатлаб	10-июн	71,2	68,6	66,9	68,9
8		15-июн	65,7	63,2	61	63,3
9		20-июн	60	57,5	55,6	57,7
10	Оддий	10-июн	67,3	65,4	63,2	65,3
11		15-июн	63,7	61,6	59,5	61,6
12		20-июн	57,6	54,7	52,4	54,9
13	Кўчат	10-июн	73,2	71,2	69,2	71,2
14		15-июн	70,7	68,2	65,7	68,2
15		20-июн	66	63,3	61,2	63,5
16	Эгатлаб	10-июн	68,2	68,2	69,5	68,6
17		15-июн	62,5	64,6	67,3	64,8
18		20-июн	57,3	59,1	62,1	59,4
НСР ₀₅			2,97 ц/га	1,41 ц/га	67,8	64,7

Шоли навларининг дон ҳосилдорлиги вариантлар кесимида аниқланганида ҳам юқори дон ҳосилдорлиги қонуниятларга мос равишда барча экиш муддатларида кўчат усулида етиштирилган вариантларда қайд этилиб, уруғлар оддий усулда 10-июн муддатида экиб етиштирилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 7,2 ц/га, “Садаф” навида 5,9 ц/га, 15-июн муддатида экиб етиштирилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 8,8 ц/га, “Садаф” навида 6,6 ц/га, 20-июн муддатида экиб етиштирилган вариантларга нисбатан эса “Искандар” навида 6,1 ц/га, “Садаф” навида 8,6 ц/га гача юқори дон ҳосилдорлигига эришилган бўлса, уруғлар эгатга сепиш усулда 10-июн муддатида экиб етиштирилган вариантларга нисбатан “Искандар” навида 3,2

